

ТОШКЕНТ

ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 212 (10.265)

2004 ЙИЛ 1 НОЯБРЬ

ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА сўзларда

● **МИРОБОД** туманида «Камолот» ва «Камалак» сардорлари иштирокида тадбир уюштирилди. Унда «Камолот» ЕИХ ва «Камалак» болалар ташкилоти етакчилари фаолиятини янада яхшилаш чоралари муҳокама этилди.

● **ХАМЗА** туманидаги 10-мусиқа мактабида Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзодларни саралашнинг туман босқичи ўтказилди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Биржа марказида Вазирлар Маҳкамасининг «Махсулотлар, хом ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида»-ги ҳамда «Товар хом ашё биржалари фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги қарорларида белгиланган мақсад ва вазифаларнинг бажарилишига бағишланган йилги Тошкент шаҳар Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармаси ҳамкорлигида ўтказилди.

● **ТОШКЕНТ** миллий хунарандчилик коллежида бўлиб ўтган тадбир «Гивандликка қарши кураш» деб номланди.

● **БУГУНДАН** Акмал Икромов туманидаги 107-мактабда Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг туман бўлими, туман халқ таълими бўлими, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлими ҳамкорликларида биатлон бўйича ўқувчилар ўртасида спорт мусобақалари бошланди. Ушбу тадбир 10 ноябргача давом этади.

● **ОСИЁ** Тараққиёт банкнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ташаббуси билан банк соҳаси мутахассислари, тадбиркорлар, иқтисодчилар иштирокида темир йўл, қишлоқ ҳўжалиги соҳаларини янада ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларига бағишланган анжуман ўтказилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

«Санжар дил» хусусий корхонаси чеварлари маҳорати билан тикилган замонавий парда ва либослар сифати билан mijozларни мамнун этмоқда. Бунинг асосий боиси корхона раҳбари, тадбиркор аёл Камола Фуломованинг изланишлари ва янгиликка интилишидир. Бозорни ўрганиш эса рақобатбардош махсулотларни тайёрлашда қўл келмоқда.

СУРАТДА: тикувчи Ҳилола Йўлдошева mijozлар дид ва эҳтиёжидан келиб чиқиб меҳнат қилади.

Ҳакимжон Солиҳов олган сурат.



26
декабрь —
Ўзбекистон
Республикаси Олий
Мажлиси Қонунчи-
лик палатасига
ва маҳаллий
Кенгашларга
сайлов кунни

Анжуманни университет ректори Р.Ашуров бошқарди. Марказий сайлов комиссияси Матбуот маркази раҳбари Ш.Қудратхўжаев сайлов қонунчилигига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар, бу галги сайловнинг аввалгиларидан фарқли жиҳатлари, икки палатали парламентнинг ўзига хос хусусиятлари, сайловга тайёргарлик куриш ва уни ўтказиш, сайловларда ёшларнинг ўрнига оид масалалар хусусида сўзлади.

Мамлакатимизда фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқлари сайлов қонунчилигида мунтазам такомиллаштирилиб бормоқда. 2003 йил 29 августда янги тахрирда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»-ги қонунда мамлакатимиз икки палатали парламентини шакллантириш

САЙЛОВ ВА ЁШЛАР

Ўзбекистон Миллий университети Маданият саройида шу йил 26 декабрда мамлакатимиз парламентига ва маҳаллий Кенгашларга ўтказиладиган сайловга тайёргарлик жараёни ва унда ёшларнинг фаол иштирокига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Уни Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ташкил этди.

Анжуманни университет ректори Р.Ашуров бошқарди.

Марказий сайлов комиссияси Матбуот маркази раҳбари Ш.Қудратхўжаев сайлов қонунчилигига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар, бу галги сайловнинг аввалгиларидан фарқли жиҳатлари, икки палатали парламентнинг ўзига хос хусусиятлари, сайловга тайёргарлик куриш ва уни ўтказиш, сайловларда ёшларнинг ўрнига оид масалалар хусусида сўзлади.

Мамлакатимизда фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқлари сайлов қонунчилигида мунтазам такомиллаштирилиб бормоқда. 2003 йил 29 августда янги тахрирда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»-ги қонунда мамлакатимиз икки палатали парламентини шакллантириш

Бехзод НОРБОВЕВ,
ЎЗА мухбири

XXI саҳоси

Барча малбалардан
олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

● Қашқадарё вилоятининг Шахрисабз шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун кураш бўйича Амир Темур хотирасига бағишланган IV халқаро турнир, ёшлар ўртасида III жаҳон чемпионати ва белбоғли кураш бўйича ilk жаҳон чемпионати мусобақалари бўлиб ўтди.

● Тошкентда «Адолат» социал-демократик партиясининг учинчи курултойи бўлиб ўтди. Унда ўтган беш йил ичида амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинди.

● Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигида Япониянинг «Томен корпорейшн» компанияси билан Финляндиянинг «Сампо Розенпер» фирмасида ишлаб чиқарилган «Массей Фергюссон» русумли 19 та комбайнни етказиб бериш бўйича 2,3 миллион долларлик шартнома имзоланди.

● «Камолот» ЕИХ Марказий Кенгаши, Республика Саломатлик институти ҳамда Ҳаракатнинг Навоий вилояти Кенгаши ҳамкорлигида «Бойитилган озиқ-овқат махсулотларининг темир танқислиги анемияси ҳамда йод танқислиги ҳолатларининг олдини олишдаги аҳамияти» мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди.

● Фарғона вилоятининг Кува туманида «Куббо-Стил» Ўзбекистон-Италия қўшма корхонаси иш бошлади. Умумий қиймати 200 минг АКШ долларини микдордаги инвестиция жалб этган қўшма корхона замонавий мебеллар туркумини ишлаб чиқаради.

Жаҳонда

● Италия пойтахти Римда Европа Иттифоқи таркибига кирувчи 25 мамлакат раҳбарлари ЕИ Конституцияси тўғрисидаги шартномага имзо чекдилар. Энди ушбу ҳужжат барча аъзо давлатларда ратификация қилиниши керак.

● Россия Федерацияси Давлат думаси Президент Владимир Путин томонидан тақдир этилган мамлакат субъектлари раҳбарларини тайинлаш тўғрисидаги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда қабул қилди.

● Кейинги кунларда жаҳон бозорида нефть нархи кескин кўтарилмоқда. Хусусан, сўнгги савдолар пайтида Нью Йорк биржасида бир баррел нефть 55,17 АКШ долларига баҳоланди.

● Кечадан бошлаб Россияда кишки вақтга ўтилди — соат миллари бир соат орқага суриб қўйилди.

● Лысье ороли ва Шотландиянинг Фарби киргоғидаги Норт-Минч бўғозида Норвегиянинг «Утштейн» харбий сув ости кемаси ва ушбу мамлакатда рўйхатга олинган «Кильштаун» танкери ўқнашиб кетди.

Обуна — 2005

«ОҚШОМ» ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ, ДИЛКАШ СУҲБАТДОШИНГИЗ


Азиз оқшомхон! Маълумки, шу кунларда мамлакатимизнинг барча алоқа бўлимларида сиз севиб мутолаа қиладиган «Тошкент оқшоми» газетасига 2005 йил учун обуна кизгин давом этмоқда. Бун тахририятимизга муштарийларимиздан келиб турган обуна билан боғлиқ хат-хабарлардан ҳам билса бўлади. Зеро, матбуотнинг қадрига етган, уни ҳаётининг ажралмас қисми, мазмун деб билган, республикамизда ҳамда жаҳонда рўй бераётган янгиликлардан мунтазам хабардор бўлиб боришни истоган инсон учун обуна масаласида ҳеч қандай баҳона сабаб бўла олмайди.

Албатта, қарс икки қўлдан чиқади. Қайсики, нашр мазмундор ва қизиқарли мақолалар билан ўқувчига манзур бўлса, унинг муштарийлари ҳам ўз-ўзидан ортиб боради. Мана шу ниятда барча газета ва журналлар қатори «Оқшом» тахририяти ҳам ўз ихлосмандларининг тақдиф

ва истакларидан келиб чиқиб келгуси йилда газетани янада ўқимишлроқ қилиш мақсадида бир қатор режаларни белгилаб қўйди. 2005 йилдан бошлаб янги-янги рухлар остида ранг-баранг мавзудаги мақолаларни ўз саҳифаларида ёритиб боради. Шундай экан, сизга

хар доим энг яқин ҳамдам, ҳамфикр ва маслаҳатгўй бўлиб келган сеvimли нашрингизга обуна бўлишга шошилинг. Шундагина янги йилнинг биринчи кунидан бошлаб «Оқшом» хонадонингизга ўзи кириб боради. Бизнинг нашр кўрсаткичими — 563.





Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарларидан

● Афғонистонда бўлиб ўтган президентлик сайлови натижаларига кўра, номзод Ҳамид Карзай голибликка даъвогарлик қилмоқда. Марказий сайлов комиссияси якуний натижаларни расмий эълон қилмаган бўлсада, Ҳамид Карзайнинг асосий рақиби Юнус Қонуний ҳам охир-оқибат унинг ғолиб бўлишига ишонмоқда. Охирги ҳисоб-китобларга кўра, Ҳамид Карзай 55,3 фоиз, Қонуний эса 16,2 фоиз овозга эгаллик қилмоқда.

● АҚШ олимлари NASA космик агентлиги учун янги технологияни яратди. Эндиликда бу техника воситаси ёрдамида Марс сайёрасига уюштирилган парвоз учун бор-йўғи 90 кун зарур бўлади.

● Грузия ҳукумати солиқ ва молия амнистияси эълон қилишга қарор қилди. Президент Михаил Саакашвилининг ҳукумат мажлисида маълум қилишича, мазкур қарор лойиҳаси зудлик билан парламентга тасдиқлаш учун юборилиб, тасдиқдан ўтиши билан дарҳол кучга киради. Лойиҳалаштирилаётган солиқ амнистиясида мамлакатнинг барча фуқаролари шу йилнинг 1 январигача бўлган ўз мол-мулки ва маблағлари ҳақидаги маълумотларни ошкор қилиши ва қонунийлаштириши мумкин.

● Хитой полицияси Пекинда Шимолий кореялик қочоқларни қўлга олди. Аниқланишича, бу қочоқлар хорижий дипломатик корпуслардан сиёсий бошпана сўрашмоқчи бўлишган.

● Япониянинг Ниигата префектурасида Рихтер шкаласи бўйича 6 балли зилзила рўй берди. NHK телекомпаниясининг хабар беришича, зилзила оқибатида 30 дан ортқ одам ҳаётдан кўз юмди, уч мингдан зиёд киши жароҳатланди. Префектура ҳудудидаги барча темир йўл транспорт тўхтаб қолган.

● АҚШнинг Тбилисидagi элчихонаси биносида портловчи қурилма топилган. Грузия Давлат хавфсизлиги вазирлигининг ходимлари, кинологлар воқеа жойига етиб келишган. Ҳудуд атрофи текширилмоқда ва ҳуқуқ-тартибот ходимлари томонидан қуршаб олинган. Элчихона биноси Тбилиси марказида парламент ва давлат девонхонаси яқинида жойлашган. Дипломатия ваколатхонаси олдида ҳукумат йўли ҳам ўтади.

● Ўтган яшанбада Ҳинди-стоннинг шимолий штати Уттар-Прадешда номаълум ҳас-талиқ туфайли яна 16 бола ҳаётдан кўз юмди. Шу тариха ҳафта мобайнида бу ерда ҳалок бўлганлар сони 48 тага етди. Беморлик аломатларига кўра касалланиш ўлат ва менингитга ўхшайди, аммо шифокорлар унинг аниқ нима эканлигини айтиб бера олма-яптилар. Факат, унинг кўзгату-чи вирус бўлиши мумкин, деган фараз мавжуд ҳолос.

Сайловлар олдида

ТАКОМИЛЛАШГАН ҚОНУНЧИЛИК НЕГИЗИГА ЭГА

26
декабрь —
Ўзбекистон
Республикаси Олий
Мажлиси Қонунчи-
лик палатасига
ва маҳаллий
Кенгашларга
сайлов куни

Шуни қайд этиш зарурки, мамлакатимиздаги сиёсий партиялар ҳамкорлидаги фаолиятнинг устувор йўналишларини аниқлашда ҳам, сиёсий рақобат қоидаларини мувофиқлаштиришда ҳам бой тажрибага эга. Европа Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ОБСЕ)нинг Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари бюроси (БДИПЧ) ҳам Ўзбекистоннинг 1999 йилдаги парламент сайловларида барча 5 партия ва уларнинг номзодлари миллий ахборот воситаларида тенг вақт ва ўринга эга бўлганлигини тан олди. 2002 йилнинг 12 сентябрида Ўзбекистон сиё-

сий партиялари жамиятини жипслаштириш, тинчлик ва оқилоланишни мустахкамлаш, аҳоли фаоллигини оширишга қаратилган вазифаларни биргаликда амалга ошириш тўғрисида қўшма баёнот қабул қилдилар. Шундай қилиб мамлакатда сиёсий одоб қоидаларини такомиллаштириш учун ишончли ташкилий асос яратилди, десак асло хато бўлмайди.

Ўзбекистондаги 2004 йилдаги сайлов кампаниясининг ўзига хослиги ҳусусан, сиёсий партиялар ролини ошириш, сиёсий рақобат қоидаларини мувофиқлаштириш бўйича янада кўпроқ мажбу-

риятларни келтириб чиқаради.

Жаҳондаги бошқа мамлакатлар сайлов жараёнларини ўрганиш «маъмурий ресурс» умумбашарий, глобал муаммо эканлигини тасдиқлайди. Ривожланган мамлакатларда у билан одатда, депутатликка номзодни психологик жиҳатдан тайёрлаш, номзоднинг ўз мақсадларини рўйбга чиқаришдаги тиришқоқлиги, сайловолди ташвиқоти учун шароит яратиш, сайлов қонунчилигини такомиллаштириш ва депутатликка номзодларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш йўли билан кураш олиб борилади. Умуман билан кураш «маъмурий ресурс» — бозор иқтисодиётига энди ўтаётган мамлакатларга хос бўлган вақтинчалик ҳодиса.

Сайлов кампанияси диалектикаси шундан иборатки, сиёсий рақобат қанчалик юқори бўлса, ноконуний технологиялардан фойдаланиш имконияти шунча кам бўлади. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида сиёсий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг сайлов кампаниясини тезлик билан, илмий ва амалий жиҳатдан юқори даражада ўтказиш имконини берадиган сиёсий технологиялар мактаби яратилди. Мамлакатимизда декабрь ойида бўлиб ўтадиган сайлов кампанияси такомиллашган қонунчилик базаси ва кенг илмий асосга эгаллиги билан кўп жиҳатдан ўзига хосдир.

Ойбек ЖУМАЕВ



Фестиваллар

ЁШЛИГИМ — ОЛТИН ДАВРИМ



Мамлакатимизда Мехр ва мурувват йили муносабати билан аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами иштирокида кўплаб тадбирлар ўтказилиб келинмоқда.

Жумладан кун кеча «SANVIKT» ногирон болалар илмий-тадқиқот бадийи маркази, «Камолот» Ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент шаҳар бўлими ҳамда «APLA» имконияти чекланган инсонларга кўмак кўрсатиш ижтимоий жамғармаси ҳамкорлигида «Ёшлигим — олтин даврим» болалар ва ёшлар ижодининг хайрия фестивали ўз ишини бошлади. Фестиваль 3 декабрдан давом этади.

Фестивалнинг очилиш маросими «Бунёдкор» ёшлар телеклубида ўтказилди. Тадбир давомида «SANVIKT» ногирон болалар илмий-тадқиқот бадийи марказида таълим олаётган ёш санъат усталари, истеъдодли рақомлар ва бошқа

бадийи расомчилик тўғрала-лари ҳамда билим юртлари талабаларининг асарлари кўргазмаси ташкил этилди.

Шунингдек, фестиваль дастури доирасида пойтахтлик ёшлар иштирокида турли танловлар, ижодий кечалар, кўргазма, брифинглар ва бошқа қатор тадбирлар уюштирилиши режалаштирилган. Бундан ташқари фестиваль давомида хайрия марафони ҳам бўлиб ўтади. Марафон ҳисобига келиб тушган маблағ ногирон болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш учун сарф этилади.

Анвар ХАЛИМОВ
СУРАТЛАРДА: фестивалнинг очилиш маросимидан лавҳалар



Мағбирлар

МУШТАРАК МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДА

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг манфаатларини ҳар томонлама ҳимоялаш, қўллаб-қувватлаш, уларга бўлган ҳурмат ва эътиборни янада кучайтиришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ва унинг ижросига доир Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори фикримиз далилидир. Мазкур қарорда таъкидланишича: «Хотин-қизлар қўмиталарининг оммавий ахборот воситалари билан алоқаси талабга жавоб бермайди. Хотин-қизларга мўлжалланган матбуот органлари ва нашрларида қандай мавзулар ва муаммолар ёритилаётгани, улар ўқувчиларга, биринчи навбатда ёш аёлларга қандай таъсир кўрсатаётгани қўмиталарнинг эътиборидан четда қолмоқда».

Ушбу камчиликларни бартараф этиш, оммавий ахборот воситалари орқали хотин-қизларнинг ижтимоий-маиший масалалари, хусусан уларни иш билан таъминлаш, она ва бола саломатлиги муҳофазаси, аёлларнинг оилада ҳамда жамиятимиз учун маънавий ва жисмоний жиҳатдан баркамол авлодни тарбиялаш йўлида тулган ўрни, бир сўз билан айтганда хотин-қизларнинг муаммолари ва манфаатларини ёритиши янада яхшилаш мақсадида Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси ҳамда Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси ўзаро ҳамкорлигида «Ижодкор аёллар уюшмаси» ташкил этилди. Яқинда Ўзбекистон Миллий

матбуот марказида ушбу уюшманинг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг раиси Фарида Абдурахимова сўзга чиқиб, оммавий ахборот воситаларида оила, хотин-қизлар муаммоларини кенг ёритиш, таҳлилий мақола ва кўрсатувларни янада кўпроқ бериб бориш, маҳаллалардаги оилаларга кириб бориш, хотин-қизлар муаммолари билан яқиндан танишиш, уларни бартараф этиш мақсадида матбуотда улар ҳақида кенг ва батафсил маълумотларни мунтазам равишда бериб бориш зарурлигини уқтирди. Шунингдек, йиғилишда шоира Турсуной Содиқова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Холида Ахорова, профессор Омина Каримова ва бошқалар сўзга чиқиб, оммавий ахборот воситалари ходимларининг турман, маҳалла хотин-қизлар қўмиталари билан яқин ҳамкорликда иш олиб боришларини ва ибратли оилалар, қайнона-келин муносабатлари, оилада фарзандлар тарбияси ва шу каби долзарб мавзулар ҳақида кўрсатувлар, радио эшиттиришлар, мақолалар тайёрлашлари кераклиги ҳақида ўз фикр-мулоҳазалари ва таклифларини билдиришди.

Баҳс-мунозаралар остида ўтган анжуманда келгусидаги вазифалар белгилаб олинди.

Дилором ИКРОМОВА

Якка тартибдаги уйларида яшовчилар аллақачон қиш тайёргарлигини кўриб қўйишган. Негаки кўп нарсалар уларнинг ўзларига боғлиқ. Фақат табиий газ вақтида узатиб турилса, ҳаммаси кўнгилдагидек бўлади. Аммо пойтахтимиздаги кўп қаватли уйларида ахвол қандай? Эрта-инди кириб келадиган қишга барча шарт-шароитлар яратилдими? Ёки ҳозирлик қозғода бору амалда йўқми?

Маълумки, пойтахтимизда 9301 та кўп қаватли уйлар мавжуд бўлиб, улар Ўзбекистон Республикасининг «Уй-жой мулкдорлари ширкатлари тўғрисида»ги Қонунига кўра 394 та уй-жой мулкдорлари ширкатларига бirlашган. Уларга етарли шарт-шароитлар яратиш мақсадида 23,1 минг квадрат метр нотураб жойлар ажратилиб, 42840,3 минг квадрат метр ер участкалари бириктирилган. Шунингдек, 22,5 минг сўмлик моддий-техник ашёлар ва керакли асбоб-ускуналар, транспорт воситалари ва 150 миллион сўмлик турли жиҳозлар билан таъминланган.

Қонунда ширкатларнинг мустақиллиги ва бошқа давлат идораларида ҳолислиги кўзда тутилган, лекин айрим масалаларда туман ҳокимликлари, шаҳар ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси ва туман бўлинмалари томонидан уларга ҳар томонлама методик ва амалий ёрдам бериб келинмоқда. Ўртача ҳар бир ширкатга 20-25 та уй тўғри келади. Ҳўш, ҳозирда уларда мавсум тайёргарлиги талабга жавоб берадими?

Тўғри, ўз хоҳишлари билан ширкатга бirlашиб, ўзлари танлаган одамни сардор этиб сайлаб, унинг атрофида мулкдорларнинг ҳиссини чуқур англаб ўз уйлари асраб-авайлаётган, муаммоларни биргаликда ҳал этаётган уй-жой мулкдорлари нафақат қиш мавсумига оид, балки ҳар қандай камчиликларни биргаликда ечишга тайёр. Лекин ширкат нимагини англамай, қимдири олиб келган қозғога кўр-кўрона кўл қўйиб, «Ширкат нимаю, ЖЭК нима, ҳаммаси фақат пулнингизни оладию, ҳеч қандай ишни бажармайди, фақат сарсон қилади...» деган ўйда юрганлари ҳам борлиги ҳақиқат.

Шу ўринда бир нарсаси эътиборни қаратишни лозим деб ўйлаймиз. Қишқи иситиш мавсуми тугагач, барча кўп қаватли уйлари иссиқлик кувурлари текширилиб, босим остида ювилади, яъни профилактика ишлари бажарилди. Лекин ана шу пайтда аниқланган камчиликлар эса кўпинча тугатилмайдилар. Кўпчилик хонадон эгалари эса бундан беҳабар қолади. Ана шунинг учун ҳам қишқи иситиш мавсуми бошлангани билан хонадонларда носозликлар авж олади, югур-югурлар бошланади.

— Совуқ кунлар бошланди, ҳисоб, — дейди Ахмал Икромов туманидаги 15-мавзе, 25-уй, 94-хонадонда яшовчи Тамара Боличева. — Лекин аниқ биламизки, уйимизнинг 8-йўлгига яшовчи хонадон эгалари бу йил ҳам совуқда дийдираб ўтиришди. Негаки ўтган 2002-2003 йилларда ҳам уйимиз исинамаган. Бу ҳақда арз қилганга жойимиз қолмади. Айтишларича, босим пастлиги учун иссиқлик этиб келмас экан. Бунга қачон чек қўйилди хайронман. Ўтган йилги капитал таъмирлаш вақтида эса фақат совуқ сувларга ҳисоблагич қўйилган, иссиқ сувга эса йўқ. Нима учун биз ишлатмаган иссиқлик ва иссиқ сув учун пул тўлашимиз керак?

Ушбу уй «Богобод-сервис» уй-жой мулкдорлари ширкатига қарашли бўлиб, унда 100 та хонадон яшайди. Лекин ҳар бир ширкат аъзоси билан гаплашсангиз ўзига яраша дарди-ҳасрати ҳам борлигини кўрасиз.

— Ширкат раисини биз сайламаганмиз, — дейди уй бошқарувчиси Дилором Қодирова. — Томларимиздан бир неча йилдан буён чакка ўтди. Ширкатга бир неча бор мурожаат қилдик, лекин эътиборсизликдан бошқа нарса йўқ...

Шу ўринда бир савол туғилади: ширкатга коммунал фойдаланиш харажатларини тўлаган, уй бошқарувчиси ана шу пулларнинг ҳисобини ҳам суриштиришга ҳаққи бор-ку. Ваҳоланки, юқоридagi уй бошқарувчисининг ўзи ҳам коммунал тўловлардан қарздор экан. Бошқарув аъзоси бўла туриб, йўлчиликларга бормаслиги ачинарли. Ахир у қандай қилиб яшовчилар билан ширкат ўртасида бевоқиф вақил бўла олади? Хонадон эгаларининг коммунал тўловлардан 3 миллион сўмдан зиёд қарзи бор экан.

— Биз барча тўловларни вақтида бажар

рамызу, лекин барибир азият чекамыз, — дейди 20-хонадонда яшовчи Севара Олимжонова. — Ширкатдагилар бюжетмаларни ўз вақтида бажармайди. Хонадонимиздаги батареядан сув оқади. Ширкатдан уни созлашга сантехник-пайвандчи чакирмас ё келмайди, келганда ҳам маст ахволда бўлади.

— Йўлак деразаларига ўзимиз целлофан пакет тутиб қўйдик, — дейди 24-уйда яшовчилар, — лекин у тезда йиртилиб кетди. Ширкат раиси ёки ходимлар қишга тайёргарлик бўйича аҳолимизни суриштиргани йўқ.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

— Хонадонларимизда иссиқлик батареяларининг бир қисми, яъни айрим хоналар исинамайди, — дейди Мировбод тумани, А.Фитрат кўчасидаги 40-в уй, 44-хонадондан Муассар Каримова. — Ширкатдагилар эса фақат иссиқлик босими пастлигини баҳона қилишади. Нима учун айрим хоналарда иссиқлик босими бору бошқасида йўқ?

мулкдорлари ширкатлари фаолиятидаги қонунбузарликлар кўрсатилмаётган коммунал хизматларнинг сифатсизлиги, таъмирлашларнинг ўз вақтида амалга оширилмаслиги олиб келмоқда, мулкдор билан ширкат ўртасида муносабатларнинг ўзаро ишонч, ихтиёрийлик асосида ўрнатилмаганлиги ҳам аҳолининг тўловлардан қарздорлиги мунтазам ортиб бориши сабабларидан бири бўлиб қолмоқда.

Тошкент шаҳар прокуратурасидан олинган маълумотларга кўра, ўтказилаётган текшириш натижаларига кўра мазкур йўналишда аниқланган қонун бузилиши ҳолатларига нисбатан 960 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилиб, шундан 38 та ҳолат бўйича жиноят ишлари қўзғатилган. Жумладан, Ҳамза туман прокуратураси томонидан ўтказилган текширишда тумандаги «Фарзанд коммуналчи» уй-жой мулкдорлари ширкати раҳбари Л.Николаева «Фред» хусусий корхонаси билан 2002 йилда бажарилмаган ишлар учун ҳужжатлар расмийлаштириб, ширкат мулкдорларига жуда кўп миқдорда зарар етказгани ҳолда 1.340.402

кетишти — керакли-керасиз нарсалар. Бир ҳафтадан ҳам тузатиб беришмади. Бошқа ширкатдан уста чакиршига мажбур бўлдим. Ишонасизми, ҳеч қандай рўйхатсиз, 5 дақиқадан тузатиб кетишти. Тўғри, хонадон ичига хизмат кўрсатиш пулли. Лекин ўзимизнинг ширкат бўлгандан кейин, сал инсоф қилишса бўларди-ку. Негаки, улар бизнинг тўловларимиз ҳисобига иш ҳақи олишади. Бунинг устига керакли пайтда профилактика ишларининг ўтказилмаганлиги оқибати бу. Йўқса, хонадон эгаси носозликни вақтида тугатган бўларди.

— Ширкатимизнинг номи бору ўзи йўқ, — дейди Шайхонтохур тумани, Уйғур кўчаси, 1-уйда яшовчилар. — Бир йилдан буён сарсонмиз. «Алпомиш» номи ширкатимизнинг туппа-тузук ишлаб турган раиси турли айбон билан ноҳақ қораланиб ишдан кетишга мажбур бўлди-ю сарсонгарчиликдан бошимиз чиқмай қолди.

Ширкат раислари кетма-кет ўзгарганлиги етмагандай, энди бизни аллақандай ширкатга қўшибдириш. Уйимизда умуман қишга тайёргарлик бўлгани йўқ, натижада кунчи кеча иссиқлик беришдан ертўла кувурларидан сув оқиб кетди...

Бундай қишга тайёргарлигини енг учидан кўрган ёки умуман бепарволик қилган ширкатлар эртага нима қиларкин? Масалан, текширишлар шуни кўрсатадики, Бектемир туманидаги «Насса» ширкати (раҳбари М.Холиқов)да қиш тайёргарлиги тўлиқ эмас, ертўла ахлатга тўла, уйлари атрафи ҳам санитария ҳолатларига жавоб беришмайди. Яксарой туманидаги «Баҳор айёми» (раҳбари А.Баратов), Яксарой туманидаги «Коммунал тўқимачи» (раҳбари Хайитмуродов), Собир Раҳимов туманидаги «Гуруч-арик» (раҳбари С.Шорасулов), Ҳамза туманидаги «Баҳор бўлағи» (раҳбари М.Ражапов) уй-жой ширкатларида ҳам қиш мавсум тайёргарлиги қониқарсиз ахволда. Уларнинг кўпчилиги маблаг еттишмаётганини, яшовчилар тўловларини бажармаётганини баҳона қилишади. Баҳона эмас, имконият қидириш, яшовчилар билан тушунтириш ишларини кўпроқ олиб бориш, улар билан тил топишиш зарур. Ёзи билан «хаёл» суриб, қишга бир ҳафта қолганда югур-югур қилиш, албатта самара бермаслиги аниқ.

Тахририятимизга мактуб йўллаган, кўнгирик қилган ширкат аъзоларининг кўпчилиги қишда уйлари умуман исинамаслигидан ёки бир хонада иссиқ бору бошқаларида йўқлигидан азият чекишмаётганини айтиши бу борада нафақат ширкат билан «Тошиссиқкуват» ишлаб чиқариш бирлашмаси, балки мулкдорларни ҳисобга олган ҳолда у томонлама шартнома тузилиши фойдалан ҳоли бўлмаслигини айтишмоқда. Негаки икки томонлама шартнома кўпинча сансаторлиқка сабаб бўлиб, яшовчилар айбордони тополмай сарсон бўлишмоқда. Нима бўлганда ҳам хизмат ҳақига яраша бўлиши керак.

Биз ушбу мақолада кўпроқ хонадон эгаларининг фикрларига суяндик. Уларнинг эътирозлари, талаб ва истакларини рўйроқ келтирдик. Қўриб турганингиздек, улар қиш юмушлари ўз вақтида бажарилмаганлигини, ишлар ўлда-ўлда қилиб кетганлигидан шикоят қилишди, айбни ўзгалардан қидиришга уринишди. Бир ҳисобда уларнинг гаплари тўғри, биз ҳам бу фикрларга жуда-жуда қўйилгимиз келади. Лекин бажарилгани лозим бўлган юмушлар орасида бировнинг ёрдамига у қадар муҳтож бўлмаган, ваҳоланки ўша хонадон эгаларининг ўзи ёки ўша уйда истиқомат қилувчиларнинг биргаликдаги савий-харажатлари билан бажарса бўладиганлари ҳам борлигини эслатиб қўймоқчи эдик. Масалан, йўлак ва ҳовлини супуриб-сидириш ёки ертўладаги ишдан чиққан уч-тўртта вентилен алмаштириш, йўлаклардаги синган ойналарни қўйиш учун беҳуда вақт кетказиб қимларгадир шикоят қилиб юриш шартми-кан? Наҳот аразимиз бу юмушларни ўзимиз бажаришимиз мумкин бўлмасми? Шу ўринда қарч икки қўлдан чиқди, деган гапни ҳам айтиб қўйиш ўринли бўлса керак.

Хуллас, айтаверсак гап кўп. Албатта, бу мавзуга яна қайтish истагиде мақолани муктасар этар эканмиз, барча масъуларга қиш тайёргарлигини ёқтиришни яна бир бор эслатиб қўймоқчимиз. Ширкат атрофи бirlашган яшовчилар, яъни мулкдорлар ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини тўла англаб, феолиники қўлдан беришмаса, ҳамжихатлик самара бериши турган гап. Нима бўлганда ҳам қишда барча хонадонлар иссини. Ахир бежизга «Қиш ўчғони тор, тур уйинга бор» дейишмайди-ку.

Шарифа ИЛЁСОВА

Қиш тайёргарлигини ёқтиради

БАҲОНА ЭМАС, ИМКОНИЯТ ИЗЛАШ КЕРАК

«Ёз ёпинчисининг ташлама, қишда ўзинг биласан», дейишади донолар. Негаки ёзда қишнинг гамини емасангиз, керакли чора-тадбирларни амалга оширмасангиз, югур-югур асаббузарликдан бошингиз чиқмайди. Қиш қутиб турмайди, аяб ҳам ўтирмайди. Бежизга қиш қишчилигини қилади, дейилмайдими.



Шу ўринда яна бир нарсани таъкидлаш ўринли — айрим ширкатлардаги чилангар-пайвандчилар тез-тез ўзгарганини, бунинг устига ўз ишини яхши билмаслиги боис ҳам айбни бошқаларга юклайди. Шунингдек, ширкат раислари орасида ўз фойдасини кўзлаб, ширкатлар тўғрисидаги қонунга хилоф харажатлар қилиб кўзбўямачилик билан ишлаётганлар ҳам топилади. Ваҳоланки, ишлайман, уйлари ҳолатини яхшилаётган, яшовчилар билан ҳамжихатликда уларга тушунтириш ишларини олиб бораман, деган ширкат раиси баҳона эмас, имкон қидирса бўлади.

Бунинг учун ширкат раиси ҳар кун эр-талаб тўғри хонасига қирмай, ўз ҳудудини биров айланиши, одамларнинг фикр-мулоҳазаларини тинглаши, камчиликларни ўз кўзи билан кўриши керак. Кўрсатилганидек, ҳар бир уйдан тушган коммунал хизматлар тўловини аниқ билиб, нималарга сарфланганини ҳисоб-китоб қилиши керак. Намунали хизмат кўрсатилмаса, минг югурин, юз оғохлантиринг, ҳақ ҳам ана шунга яраша бўлади.

Масалан, Тошкент шаҳар монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармасидан олинган маълумотларга қараганда, жорий йилнинг ўтган ойлариде келиб тушган аризаларнинг 106 таси коммунал хизмат кўрсатиш соҳасига оид бўлиб, шулардан 50 таси иссиқлик энергияси, 37 таси эса уй-жой мулкдорлари ширкати томонидан кўрсатилмаган хизматларнинг сифатсизлиги бўйичадир. Жумладан, С.Раҳимов тумани, Тансикбөөв даҳаси, 2-мавзе, 11-уйда яшовчи бир гуруҳ истеъмолчилар уй томондан чакка ўтаётгани, бу борада «Ёшлик коммуналчи» ширкати ҳеч қандай чора кўрмаётганидан шикоят қилишди. Бошқарма аралашуви тўғрисида ширкатга берилди. Бундай ҳолатда ширкатга ишонч қоладими?

Яна шунчи таъкидлаш ўринлики, уй-жой

сўмлик талон-тарожликка йўл қўйган.

Сергели туман прокуратураси томонидан текширилган «Дилхўш» уй-жой мулкдорлари ширкатида эса дилни ноҳуш қиладиган ҳолатлар аниқланган. 2003 йил июнь-август ойлариде аҳолидан йилгилан 248425 сўм маблаг ширкат ҳисоб рақамига қирим қилинмаган ва банкка топширилмаган. Маълум муддат эса фойдаланиш харажатлари учун пул тўловлари қайд этилмади, бунинг натижасиде 65 та хонадон эгалари тўлаган жами 1.141.908 сўм нақд пуллар ҳам банк муассасаларига қирим қилинмаган.

Тўғри, жиноят жазосиз қолмайди. Юқоридagi қонунбузарлар тегишли жазосини олади. Лекин ширкат мулкдорларининг ишончлари поймол бўлгани-чи? Улар танлаган, ишонч билдирган раис шундай бўлиб қикса, додини кимга айтишади?!

Мана шундай ҳолатлар ҳамда ширкатлар қонунда белгиланган ҳуқуқларидан фойдаланмаслиги, қарздорлиқни суд орқали ундириш амалиётидан етарли даражада фойдаланмаётганликлари натижасиде қарздорлик микдори ортиб, бу албатта уларнинг молиявий аҳолига салбий таъсир кўрсатмоқда. Натижада уй-жойларни қалитал ва жорий таъмирлаш, қишқи мавсумга тайёрлаш ишларини бажаришда маблаг еттишмаслигига олиб келмоқда.

Яна шунчи айтиш лозимки, кўпчилик ширкатларда кадрлар танлашда сусткашликка йўл қўйилмоқда. Ишлатган ходимларда масъулият, жавобгарлик еттишмайди.

— Иссиқлик берилиши билан батареяга уланган кувурдан чакиллаб сув оқа бошлади, — дейди Мировбод туманидаги «Ораз» уй-жой мулкдорлари ширкатида қарашли Фитрат кўчасидаги 40-в уйда яшовчи хонадон эгаси. — Ширкатга кўнгирик қилиб, чилангар «чакирдим. Улар келиб «Ҳеч нарсаси қилмайди, эртага тузатиб берамиз», дейишди. Эртасига яна чакирдим. Келиб керакли нарсаларнинг рўйхатини ташлаб

Муниса УМАРОВА,
Тошкент Молия
институтини талабаси

Шарқ дурдоналари

Озод ўқувчи
Домо бўлиб...

● Абул Аббос шундай дер эди: «Очликдан бетокат бўлма-гунимча, асло таом емадим, шунинг учун табибга ҳеч ишим тушмади».

Фард:

Табобатда шундай
ёзганим кўрдим,
Очлик даво эрур
барча иллатга!

● Ёйлабдиган овқатлар тоза ва соф бўлмоғи керак. Масалан, офат етмаган тоза буғдой, шу буғдой ундан қилинган овқатлар, гўшт эса соғлом ҳайвон гўшти бўлиши билан бирга яхши пиширилиши, шарбатлар мижозга мос бўлиши, узум ва анжир мевалари эса яхши пишган бўлиши лозим.

Камолдидин Исмоил Бухорийнинг тиб китобида ёзилишича, кишининг қорни тўқ бўлса-ю, бошқа овқат олдида келтириб қўйилса, ундан асло емаслиги керак. Бундан ташқари қаттиқ ва оғир меҳнатдан кейин нозик овқатлардан, сут ва баллиққа ўхшаган нарсалардан еб бўлмайди. Чунки бу пайтда ошқозон ниҳоятда қизиб кетган бўлади ва унга тушган нозик овқатлар қизиб кетиб, тезда бузилади. Ошқозонда иссиқлик ўрнаб қолган кишилар совуқ овқатлардан тановул қилишлари, масалан, ғурузум ёки ошқоват ёйишлари керак.

● ҲИКОЯТ. Айтишларича бир бадавлат кишининг яккаю ягона ўғли бўлиб, у ниҳоятда исрофчи ва беҳуда сарфловчи эди.

Байт:

Давлат ўйин учун
эмас жаҳонда,
Ўзни сақлаш учун
доим омонда!

Ота ўз ўғлининг ноқобили эканини билгани учун олдиндан чора қўриб, ўлар пайтида унга насихат қилиб деди:

— Эй ўғлим, мен ўлганимдан кейин бойликларимнинг бари сенга қолади. Ишончим комилки, сен уларнинг бари-ни беҳуда сарфлаб битирсан. Қўлингга ҳеч нарса қолмай, очлик ва ночорлик билан охири ўлимнингга рози бўласан. Мен нариги ўйининг бурчагидаги томининг шипига бир арқон боғлаб қўйибман. Жондан тўйган пайтида ўзингни ўша арқонга осгин!

Ота шу гапларни айтиб жон берди. Ноқобили ўғил кўп ўтмай барча пулларини сарфлаб талмоқлади. Охири гадоилик қилишдан ор қилиб ўзини осиб ўлдиришга қарор қилди. Ота-си тайинлаб кетган уйга кириб, арқоннинг учини бўйнига солиб, ўзини осди. Том тўсини уни кўтаролмай синиб ерга тушди. Шу он тупроқ аралаш отаси атайлаб ўли учун берки-тиб кетган бойликлар ҳам ерга тушди. Меҳнат билан топиладиган бойлик қадрини тушуниб етган ўғил энди пулни ўйлаб ишлатадиган, хайрли йўлларга сарфлайдиган бўлди. Отаси хотираси учун халқни ҳушуд қилишга ва саховат нуридан баҳраманд қилишга киришди.

Назм:

Кишида бўлмаса
давлат, удир хок,
Давлатли кишига
жаҳонда не бок!
Давлат гоҳи келиб,
гоҳида кетар,
Бефаҳм кишилар
ўзни йўқотар.

КОБУЛДАГИ
ЯНГИ ҲАЁТ

...Худоёржоннинг жияни, Афғонистон подшо-сининг вазир аъзми ва номи Саид Акрам-хон Тўра қанотлари остида оила қуриб, ўй-жойли бўлиб, хизмат лавозимини эгаллаган Саид Махмудхон Тўранинг Кобулга келганига ҳам тўрт-беш йил бўлиб қолди. У "Дорумуал-лимин" да ва ҳабибия мадрасасида ўз мудар-рислик фаолиятини бошлаб юборди. Олим бўлмоқ осон, одам бўлиш қийин, деган халқ-нинг доно сўзлари доим унинг эсида турарди.

Авалло одам бўлмоқ лозим!

Бу улуг ҳикматнинг чуқур маъносини у жуда ҳам яхши англаб олди.

Саид Махмудхон

Тўра аста-аста афгон аҳли орасида адолатпарвар, дин-нинг покзаллиги учун курашишга бел боғ-лаган теран фикрли уламо, ҳақгўй бир инсон сифатида обрў-эътибор қозона бошлади. Сарой аҳли олдида ҳам, раият олдида ҳам ҳурмати бирдай баланд эди. Кобулда яшайдиган жумла ўзбеклар, тур-кистонликлар, - юз-дан ортиқ хонадон - уни ўзларига пир деб танидилар. Мурилар сони энди афгонлар ҳисобига ҳам қўнай-моққа турди.

Саид Махмудхон Тўранинг уламо, ва-лий эканлигидан таш-қари, ҳақимлик илми ҳам бор бўлиб, турли дардларга, ма-салан, бош оғриқ, қорин оғриққа ва бошқа касалликларга дори-дармонлар тайёрларди. Ҳақим тайёрлаган "фулус", "исфарза", "гулиҳатим" сингари дори-лар эл орасида ардоққа бўлганлигини ай-тадилар. Ҳақим қўлидан шифо топган киши-лар кўп эди. Ора-орада ижод билан ҳам шу-ғулланган аллома ўз тажрибаларидан келиб чиқиб "Қанз ул-ҳавас", шунингдек, гоийб илм-лар ҳақидаги қизиқарли рисоласини қозғо-ғи турди.

Бир воқеани ҳайрат билан эслайдилар. Қун-лардан бир кун Саид Махмудхон Тўранинг қўли-даги тасбеҳи қўтилмаганда илги ўзилиб, унда-ги макмажхорида маржонсифат доналар ер билан битта бўлиб сочилиб кетди. Шу палла ўн учта жужа ёприлиб келиб ҳаш-паш дегунча тасбеҳ доналарини дон деб ўйлаб битта-бита-га териб "еб" қўяди! Бу кўз очиб юмгунча фу-ратда рўй беради. Саид Махмудхон Тўра жужа-лар жигилдорларини "муолажа" қилиб ёриб маржонсифат доналарини йиғиб олди ва ҳар бирини моҳирлик билан аввалгидек тикиб қўяди.

Хуллас, ҳаёт қандайдир ўз маромини то-пандай, тирикчилик ҳам осейишга йўлга кир-гандай эди "Дорумуаллимин" да ва ҳабибия мадрасаси катта мударриси назарида...

Лекин бу кўпга қўзилмади...

Машойхларнинг айтишларича, бандаси-нинг ўйлаган тадбири ҳамма вақт ҳам тақди-руга тўғри келарвермас экан. Шу йилларда Туркистонда большевик деган бир балонинг бош кўтаргани, ватандошларнинг қувинган-га уяраётгани, боболар юртининг бесаранжом ва нотинчлиги Афғонистонга ҳам сезилиб ту-рарди. Аҳир қўшнинг уйда шовқин-сезилб қу-тарилса, хоҳламасанг ҳам эшитишга, беҳузур бўлишга маҳкумсан, ороминг йўқолиши аниқ. Агар яхши қўшни бўлса, гагга қулоқ солади, маслахатингни эшитади. Аммо большевиклар бировнинг маслахатига қулоқ соладиганлар-дан эмас, балки ўзи қолиб бошқаларни безов-та қилишга ҳавасманд, ўзгалар томошасини қўришга ишқибоз, фитначи "қўшни"лардан эди. Уларнинг жосуслари ҳар мамлакатда бор бўлиб, ўша давлат ички сириларини ўрганиш ва Ватанини тарк этиб кетган ватандошларни пинҳона кузатиш, уларни йўқ қилиш, озор ет-казиш ва ҳоказолар билан шугулланардилар.

Афғонистоннинг ўзида ҳам қўтилмаган во-қеалар рўй берди. Саройда тўнтарши амалга оширилди, суиқасд натижасида подшо Амир Ҳабибуллохон ўлдирилди. Амири шаҳид Ҳаби-буллохон ўлимида унинг ўз ўғли, Афғонистон подшоиси Амир Омонуллохоннинг қўли бор, дейдилар. Йигирма етти ёшли Амир Омонул-лохон тахтга ўлтириши билан 1919 йил 28 фев-ралда Афғонистонни мустақил деб эълон қилди. Қизил Россия билан дипломатик ало-қалар ўрнатиш ишлари тезлашиб кетди. 1921 йилда совет-афгон шартномаси имзоланди, элчилар алмашинди. Яна беш йилдан кейин СССР билан Ўзаро ҳужум қилмаслик ва хо-лислик макomini сақлаш шартномаси тузил-ди. Афғонистон ҳукумати Россия ҳукумати

Ўзбек адаблари — «Оқшом» уғчи

билан яхши алоқада бўлса, рус ва больше-виклар зулмидан қочиб Афғонистонга келган ватандошларимизнинг аҳоли қандай эканли-ги ва қандай кечиси мумкинлигини тасаввур қилиш учналар қийин иш эмас...

Шу паллалар Туркистондан Қўкон мухтори-ятининг аянчли тақдир ҳақида ноҳуш хабар-лар тарқалди...


Туркистон мухторияти эълон қилинган кун-ни, яъни 1917 йил 27 ноябрь кунини Абдурауф Фитрат "Миллий лайлатулқадримиз" деб ата-ган эди. Афғонистонга етиб борган Саид Мах-мудхон Тўра қўлига тушган хабарларга қара-ганда, мухториятга қарши хоинона ҳужум бўлиб, Қўкон арман дашнохлари томонидан қонга ботирилган, ўн минглаб одамлар ўлди-рилган, неча-неча қишлоқлар қўли қўққа сови-рилган эмиш. Хонавайрон бўлган халқ қимга

ли пайдо бўлди. Консулнинг оти Ҳошим Шоик бўлиб, у миқтидан келган пакана бўйли ингичка овозли бир одам эди. Асли Бухоро туркларидан бўлган Ҳошим Шоик Россия-да таълим кўрганди, русча, форсча ва бир қанча туркий тилларда бемалол гаплаша оларди.

Қизил Россия Бухорога ҳужум қилиб, ша-ҳарни тўпга тутиб, Амир Олимхоннинг пу-тури кетиб қолган ҳукуматини осонгина ағда-риб ташлади. Лекин Туркистон халқи инқи-лоб ясади — амирни қувди, амир ҳукумати ўрнига жумҳурият тузди, унинг номи "Бухо-ро халқ жумҳурияти" дир қабилда ҳахонга жар солинди. Амир Олимхон ҳам ўз ақилла-ри билан Афғонистондан паноҳ топди.

Сиртдан қараганда, Бухоро жумҳурияти мустақил ҳукуматга эга эди, аммо аслида,

Қизил Россия-нинг чизган чи-зиғидан четга чиқмасди. Ко-булда Қизил Бу-хоронинг консу-ли иш бошлар экан, албатта, бунда Қизил Рос-сиянинг Амир Омонуллохон билан пинҳона қилишуви катта аҳамият касб этгани сир эмас. Консул номзоди-ни бевосита Қизил Россия белгилаб, тан-лаб сўнг Бухоро ҳукуматига та-всия қилгани аён. Балки шунинг учун Ҳошим Шоик Афғонис-тон подшоиси Амир Омонуллохон томонидан юксак маконда қабул қилинди,



Мухаммад АЛИ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

АБАДИЙ СОҒИНЧЛАР
РОМАН — ХРОНИКАДАН БОБЛАР

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Мухаммад Али яқинда ўзининг янги асари — ҳужжатли "Абадий соғинчлар" роман-хроникаси-ни ёзиб тугатди. Унда тақдир тақозоси билан хорижга йўл олган ватандошларимиз қисматидан ҳикоя қилинади. Асли Наманган вилоятининг Чуст мазсисидан бўлган йигирма тўрт ёшли Саид Махмудхон Тўра билим олиш ниятида узоғи билан икки йилга мўлжаллаб йўлга отланади ва она юртига қайтиш насиб этмай, Ҳижоз, Афғонистон ва Туркия сингари мамла-катларда истикомат қилишга мажбур бўлади. Соҳиб қаромат аллома Ватан соғинчида қуя-қуя Туркиянинг Адана шаҳрида етмиш икки ёшида дунёдан кўз юмади. Унинг ўғли Насруллох Тўра Ўзбекистон мустақил бўлгандан кейингина она Ватани-га қайтиш шарафига муяссар бўлди....

Асар Ватан ва унинг қадрига етиш, севиш ҳақида. Газета-мизнинг ушбу сонидан бошлаб "Абадий соғинчлар" роман-хро-никасининг баъзи бобларни эътиборингизга ҳавола этамиз.

додини айтишни билмай сарсону саргардон эмиш...

Бу хабарлар мусофирчиликда мустар юр-ган кўнгилларни баттар эзар эди.

Қунлардан бир кун Туркистондан келган мусофир Саид Акрамхон Тўра дарвозасини ийманибгина тақиллатди. Мусофирнинг Ватан-дан эканлигини билган Саид Акрамхон Тўра дарвозага чиқди-ю меҳмонни қўриб ханг-манг бўлиб қолди: рўпарасида қирқ йилдан бери учрашмаган катта ўғли Норбўтахон Тўра жил-майганча қараб турарди!...

Норбўтахон Тўра ҳам большевиклардан озор чекиб, ҳар хил тазйикларга учраб Аф-ғонистонга йўл олибди... Саид Акрамхон Тўра бу пайт ваъзари аъзам мансабидан фориг бўлган, давлат ишларидан ўзини чет-га тортиб яшарди. Умуман, ўзбеклар шу паллалар подшоликнинг ўзларига нисбатан пинҳона совуқ муносабатини сеза бошла-дилар. Буни Қизил Россиянинг Амир Омо-нуллохонга таъсиридан ҳамдир, дейиш мум-кин эди.

— Кўп яхши қилибсиз, ўғлим!... — деди мўйсифид ота ўғлини қайта-қайта бағрига бо-сар экан... — Қайда бўлсанг ҳам бирга бўлайлик, бу ёғи кўпи кетиб ози қолди, Аллоҳ ўз паноҳи-да асрасин...

Норбўтахон Тўра отасига ўхшаган келба-ли, қирқ бешлардаги шадлоқ юракли бир ин-сон эди. У отаси билан Саид Махмудхон Тўра-га Ватанда кечган фожели воқеалардан, қариндош-уруғлар қисматидан бирма-бир ҳикоя қилди... Бири биридан мунгли, мусибат-ли ҳикоялар... Саид Акрамхон Тўра эшитар-кан, ҳеч қаерда бирон ёруғлик, нур қўрмас эди бу палла! Саид Махмудхон Тўра мудҳиш ҳаёл-ларга чулганганди.

— Изма-из яна икки киши келган... Ўри-ларнинг одамлари... — ижирганиб деди Норбў-тахон Тўра. — Бирининг оти Махмудхон, бош-қасиники — Исмоил. Улар ҳам гўё большевик-лар зулмидан озор тоғиб, қочиб келганлар, ўзлари шундай дейишди. Аслида, биринчиси мени кузатиб юриш, маълумотлар бериб ту-риш учун, иккинчиси — кирали қотил, пайт то-пиб мени ўлдириш учун. Мен барчасидан ҳа-барсиз деб ўйлашди... ҳаммасини биламан!

— Эҳтиёт бўлингиз, ўғлим... — ўғлига мўлти-раб тикилди ота.

— Аллоҳ ўзи асрасин, ёмоннинг юзини тескари қилсин!... деди Саид Махмудхон Тўра.

— Ажабки, — қўлди Норбўтахон Тўра. — Улар мени ўлдиришмоқчи, аммо ўзларини сир тут-моқчи...

II

БУХОРО КОНСУЛИ

Бу сукбатдан кейин, чамаси, бирор ой-лар вақт ўтгач, Кобулда Бухоро халқ жум-ҳуриятининг Афғонистондаги вакили, консу-

қўшни янги мамлакатнинг элчиси сифатида иззат-иқроми жойига қўйилди. Ҳошим Шоик шарафига эътифат ҳам берилди.

Қизиги шундаки, Бухоро халқ жумҳури-яти битирилиб, Ҳошим Шоикнинг ваъзаси тугаган бўлса ҳам, негадир у ишсиз қолма-ди. Кобулда истикомат қилишни давом эт-тирди. Харқалай Қизил Россия Ҳошим Шо-икнинг Афғонистонда ўз одами бўлиб қоли-шини астади... Амир Омонуллохон кўп тил-ларни билган, унинг назарида билими ҳам шунга яраша кўп бўлган собиқ консулга мамлакатнинг маориф вазирлигида фаоли-ят кўргизиб, пошчилик ишларига ёрдам беришини сўради. Ҳеч нарса дунёда беса-баб юз бермайди, шамол бўлмаса дархат-нинг учи қимирламайди, деган гап бор...

— Агар менинг мактарин меҳнатим пошчилик ишларига салгина ёрдам бера олса ҳам бахтиёр бўлардим... — Айёрога деди мийғида қулиб Ҳошим Шоик...

Шундай қилиб, собиқ консул Ҳошим Шоик маориф вазирлигида янги вазифада қизгин фаолиятини бошлаб юборди. Орадан ярим йил ўтар-ўтмас у бир сабоқномага ўхшаш китоб ёзганини маълум қилди.

— Бу китобни ёзишдан максад, аф-гон мактаблари учун шу йўсиндаги китоблар йўқлигидандир, — босиқ деди Ҳошим Шоик маориф вазир, Амир Омонуллохоннинг амакиси Файз Мухаммадхон Зикрийга. — Бутун дарсликлар билан танишиб чиқдим, кенг маълумот берадиган шундай китоб йўқ... Бу ерда Шарқ олимлари эмас, балки гарб олимлари китобларидан, фандаги сўнгги қарашлардан фойдаландим. Жаҳон-да янгиликлар кўп, янгича фикрлар бисёр-дир. Афғон шоғирдлари ҳам булардан баҳ-раманд бўлсинлар, аҳир уларнинг бошқа дунё болаларидан қаерлари кам?... Маъ-қулими? Чоп этишга ижозат бериб, муҳри-ни босиб берсалар, вазирлигимиз номи-дан чиқса, айни муддао бўлур эди. Илло, вазирлигимизнинг маориф соҳасидаги сайй ҳаракатлари ўзгаларга ҳам яхшироқ намо-ён бўлурди...

Бирдан бир фазилати подшо амакиси эканлигида бўлган маориф вазир Файз Му-хаммадхон Зикрий китоб ёзиш, унинг сир-асрорларини билиш ва фахмлашдан йироқ одам эди. У китобнинг вазирлик номидан қилиниши эшитиб қувониб кетди ва узок ўйлашиб ўтирмай қўлезмага муҳр босди. Ин-гилларда мана шундай китоблар ёзиш ке-раклигини айтиб, қўллаб-қувватлаб Ҳошим Шоик шаънига мактовлар ҳам келтирди.

Тезда китоб нашр қилиниб, оммавий ра-вишда мамлакат мактабларига тарқатиб чи-қилди.

• Ҳошим Шоик ўзини «турк» деб та-ништирган эди.

Айрим манбаларда уни яҳудий деб ёзадилар. (Муҳаррир)

(Давоми келгуси сонда)

Шарҳовчи минбари

ИСРОИЛ: БОШ ВАЗИР РЕЖАСИ МАЪҚУЛЛАНДИ

Бош вазир Ариэл Шароннинг Фаластиндан бир томонлама ажралиш борасидаги режаси кнессетда (парламент) овозга қўйилди. Бу Исроил ҳукуматини ўта кучайтирилган тартибдаги хавфсизлик чораларини қўллашга мажбур қилди. 1973 йилнинг октябридаги уруш ҳаракатлари пайтида ҳам бундай ҳолат кузатилмаган. Хабарларга кўра, кнессет биноси шу куни қонун чиқарувчи маҳкамдан кўра, қалъани кўпроқ эслатган. Бинони хавфсизлик кучлари, полиция, ҳатто чегарачилар қўриқлади.

Чунки мамлакат бош вазирининг режаси айрим партиялар ва Ҳазо минтақаси аҳолисининг норозиликларига сабаб бўлган эди. Улар парламент олдига норозилик намойишларини уюштирди.

1995 йили собиқ бош вазир Исҳоқ Рабин яҳудий экстремистлари томонидан ўлдирилган эди. Шундай фожиаларга қарши чора кўриш учун ҳам кнессет биноси кучли ҳимоя остига олинди.

Сешанба кунги муҳокамалардан сўнг, кнессет бош вазир Ариэл Шароннинг тақлифини тўғри деб топди. Уни 120 депутатдан 67 нафари маъқуллади, 45 киши қарши чиқди.

Ҳазо минтақасидаги яҳудий жамоалари ва ҳарбий базалар ҳамда Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғидаги унча катта бўлмаган 4 кишлоқни кўчириш ҳақидаги режа амалга оширилмаган бўлди.

Ушбу режа кнессетда маъқулланган бўлса-да, молия вазири Биньямин Нетаняху тарафдорлар бош вазирдан бу масала бўйича референдум ўтказишни талаб қилмоқда. «Икки ҳафта ичида референдум ўтказилмаса, мен ва «Ликуд» партиясидан яна уч вазир истеъфога чиқамиз», — деди у.

Фарҳод УСМОНОВ,
ЎзА шарҳловчиси



Ўлкамизда олтин куз.



Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.

Туманларда

МЕЪЁРИЙ ХУЖЖАТЛАРГА ЭГА

Бектемир туманида экологик ва табиатни муҳофаза қилиш ишлари бўйича яхши натижаларга эришилмоқда. Туманда Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси назоратида бир нечта корхоналар бўлиб, улар томонидан табиатни муҳофаза қилиш бўйича меъёрий хужжатлар ишлаб чиқилган.

Бектемир туманида жойлашган ОАЖ «Қўлиқ деҳқон бозори» Чирчиқ дарёсининг ўнг қирғоғида жойлашган бўлиб, умумий майдони 5,3 гектар, ишчилар, сони 150 кишини ташкил этади. Корхона балансида 2 та автотранспорт — битта «Нексия», битта трактор бор. Уларнинг токсик талони мавжуд. Корхонанинг ўзига қарашли АЕКШСи йўқ. Автотранспорт шахсий автоювиш шохобчаларида ювилади. Корхона экологик статистик ҳисоботларни 2003 йил учун вақтида топширган. Экологик экспертиза хулосаси олинган. Кор-

хонада атмосферага зарарли газ-чанглари чиқариш манбалари йўқ. Бозорда ичимлик ва хўжаликда ишлатилмаган сув шаҳар сув олиш манбаидан, экинларни сугориш учун эса сув артезиан қудуғидан олинади. Аммо қудуқ сувидан фойдаланиш учун табиатни муҳофаза қилиш қўмитасидан махсус рухсатнома олинмаган. Артезиан қудуғи сувни ўлчаш асбоби билан жиҳозланмаган.

Чикиндиларни «Махсустрас» корхонаси шартнома асосида олиб кетади. Чикиндиларнинг ҳосил бўлиш меъёрий хужжа-

тумондан келарди. Сўнгра ҳамма-ҳаммасини тушунди. Оёгининг тағидида ер бирдан йўқолиб бўшлиқ пайдо бўлиб қолди. Уни суяб

томондан келарди.

Сўнгра ҳамма-ҳаммасини тушунди. Оёгининг тағидида ер бирдан йўқолиб бўшлиқ пайдо бўлиб қолди. Уни суяб

Турмуш тарраҳларида

ТОПТАЛГАН ИШОНЧ

Улар ҳам бошқалардек севишиб турмуш қурдилар. Орзиқиб қутилган кун. Висол ва бахт оқшони. Улар бир умрга бирга бўладилар ва ҳеч қачон айрилмайдилар. Ҳижрон йўқ эди, сонгичу ҳажр, изтироблар ҳам йўқ. Бари орта қолди. Атрофга қаранг ҳамма-ҳамма нарсанинг жуфти бор. Қалдиричлар, капалаклар ҳатто филу, чумолиларнинг ҳам. Гап фақат жуфтликда эмас, балки ёнингиди сенга ҳаминишайи ҳамроҳ, яхшиёмон кунда суянч ва доимий ишончли дўстнинг борлигида. Қолаверса, ҳар маҳал кимгадир керак эканлигини ҳис этиш, айни чоғда ўзинг ҳам ким учундир яшаётганини англаш — бундан ортиқ бахт борми, яна нима керак одамзотга. У шундай ширин, эзу тиллактарда орзиқиб кутди ўшал кунларни.

қам терарди. У тушликдан фойдаланиб хавотирланган қўйи уйига шошилди.

Эшик қулф эди. Эшикни ўз қалити билан очиб, йўлакка кирди-ю, димоғига тутун ҳиди урилгандек бўлди. Кейин эса қандайдир мусиқа билан бирга аллақимларнинг шивир-шивири-ю, сўнг хандон отиб қулгани эшитилди. У аввал ошхонага кўз ташлади. Ҳеч ким кўринмади. Меҳмонлар учун мўлжалланган хона эшигини очганида эса кўзи ясатилик дастурхонга, шампан виноси ва иккита қадаҳга тушди. Аввалига ҳеч нарсатга тушуна олмади. Бугун қанақа байрам эди, унутдимикан? Бирдан кўзи стол устидаги қулдонга тушди-ю, юраги ноҳуш нарсани сезгандек портлаб кетай деди. Чунки у билган биронта яқинлари чекмасди. Айнан шунақасини. Бу ситарета унга жуда таниш эди, фақат биттагина эшик қолди очилмаган. Овозлар эса ўша

турган нимадир қулади, ичидан бир нима чирт этиб ўзилгандек бўлди. Ўқинч, алам ҳисси, хўрлик, топталанг гурур ва шайъ, камситилган иззат-нафс — бари-бари чидаб бўлмас ва ичга сиғдириб бўлмас фарёда айланди-ю ташқарига отилди. Беҳзод ўқирдими, инградимми, бақирдими билмай қолди. Унинг бу товушида шафқатсиз ҳаётга, қадрсиз муҳаббатга нисбатан исён жо эди. Бу товушда тоқат қилиб бўлмас хиёнатга қарши галаён, сўнгсиз норозилик зухур эди. Унинг бор умид, орзу-ниятлари қадрга ва умрига қўшилиб поймол бўлганди.

Беҳзод энди бу уйда ортиқ қололмасди. Шу аснода улар айрилдилар... Йиллар ўтди. Беҳзод иккинчи марта уйланди, тўғрироғи уйланишни истамди. Бунга бир сабаб, «бир бор озги қуйган қаттиқни ҳам пуфлаб ичиши» бўлса, бошқа томони у Дилбарни

ҳамон севарди, бироқ иккинчи маротаба кечира олмасди. Гурур ва эҳтирос, орият, иззат-меҳр ва нафрат аралаш ҳислар ила яшайверди. Бироқ нима бўлганда ҳам Дилбар Беҳзоднинг ҳаёти эди, нима бўлганда ҳам йигит уни севарди. Нима бўлганда ҳам бир севги поймол бўлди. Улар бир умрга айрилдилар. Балки улар юз кўрмас бўлиб, илгарироқ Дилбарнинг илк хиёнатидек айрилгандилар. Жудалик бу муҳаббатга ўз ҳукмини ўқиганини раст. Бир эр йигитнинг ишончи, аёл зотига бўлган ишончи хазон бўлгани ҳам раст.

Балки Дилбар Беҳзодни ҳеч қачон севмагандир. Аммо кимга қай даражада маънавий ҳуқуқ берилганки, ўзгалар тақдир билан уйнашса, ўзга тақдир устидан ҳукм чиқарса. Бировнинг умрини ўз шахси-яти учун қурбон қилиш-чи. Беҳзоднинг муҳаббатини, ишончини бу қадар хўрлаш, оёқ ости қилиш пасткашлик эмасми?

Хиёнаткор аёлнинг номалум йигит билан ораларида севги бўлган деб ким қафолат бера олади, балки бўлгандир ҳам... Ишқ бу борада ҳолис бўлмайди. Олий инсон заковати-ю юксак қадр-қиммати баробарида адолатли ҳукм чиқара олмади. Аммо бу йўқотишнинг салмонини ўлчамаска, озорини туймоққа битта умрининг ўзи етармикан?

Соврилган умрни ким қайтарди, юракка етказилган жароҳат, қачон битди. Бу одамнинг ишончини қайси аёл оқлай олади ахир? Оқлаганда ҳам шу эркак бу аёлга ишонганини энди. Бунга жавоб йўқ. Ахир ҳеч ким қайта туғилмайди-ку?

Гулчехра ДУРДИЕВА

Ўқибол

БИРИНЧИ
ЎРИНДА

Иктидорли мураббийлар Сергей Арслонов ва Роберт Гайлар бошқараётган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоларига Қозоғистоннинг Чимкент шаҳрида академик Мардон Сапарбоев хотирасига бағишлаб уюштирилган халқаро турнир омад келтирди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, 1992 йилда туғилган ўсмирлардан таркиб топган терма жамоамиз чимкентда ўзларидан бир ёш катта ёшлар термаларига қарши майдонга киришди. Қозоғистон, Туркистон, Тожикистон ўсмирлар терма жамоалари ҳамда маҳаллий клублар иштирок этган ушбу мусобақаларни кўтаринки кайфиятда ўтказган ўзбекистонлик ёш футболчилар барча учрашуларда галаба қозониб биринчи ўринни қўлга киритишди.

Қизғи шундаки, ушбу ҳафтада Қозоғистонда яна ўсмирлар ўртасида мураббий Г.Колантиди хотирасига бағишлаб турнир бўлиб ўтди. Унда яна Арслонов ва Гайлар устозлик қилаётган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси Ватанимиз шарафини ҳимоя қилади.

ПИСАРЕВ
«ТРАКТОР»ДА
ҚОЛАДИМИ?

Бундан бир неча йиллар аввал мамлакатимизнинг етакчи жамоаси «Пахтакор»да тўп сурган моҳир ҳужумчи Александр Писарев ушбу мавсумда Қозоғистоннинг «Ясси Сайрам» жамоаси шарафини ҳимоя қилаётганди.

Аммо собиқ пахтакорчининг хатти-ҳаракатлари «Ясси Сайрам» жамоаси раҳбарларига маъқул келмади, ҳарқалай ҳамюртимиз биринчи давра якунланмасдан оқ Тошкентга қайтди. Қизғи, шу кунгача бирор жамоа таркибига қабул қилинмаган Писарев айти кунларда «Трактор» жамоасида машғулотларда қатнашапти. Хатто яқиндагина «Трактор-Сўғдиёна» жамоалари ўртасида уюштирилган ўртоқлик учрашувида собиқ пахтакорчи тошкентликлар шарафини ҳимоя қилди. Мухими, 3:2 ҳисобида «Трактор»нинг галабаси билан якунланган ушбу баҳсдаги ҳал қилувчи ўйинчи голни рақиблар дарвозасига Писарев йўллади.

Ҳамма гап шундаки, янги мавсумда Александр «Трактор» сафига қабул қилинадими ёки бошқа жамоа ахтарадими, буни вақт ҳўрсатади.

(Ўз мухбиримиз)

Самбо


ҲАМЮРТЛАРИМИЗ ШОҲСУПА
ТЎРИДА

Илгари хабар берганимиздек, шахримиздаги «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуасида уч кун давомида Халқаро самбо федерацияси, Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда республика самбо федерацияси томонидан ташкил этилган самбо бўйича ўсмирлар ва қизлар ўртасида жаҳон чемпионатининг қизгин баҳслари бўлиб ўтди.

Албатта, жаҳон чемпионатида доимо энг кучли терма жамоалар ва спортчилар жамланади. Бу галги нуфузли турнирда йигирмага яқин хорижий мамлакатлардан келган, ўз юртида энг кучли

рат ва техника бобида бир оз устунроқ эканликлари исботлашди. Қувонарли томони шундаки, ҳамюртларимиз медаллар шодасини қўлга киритишгани ҳолда барча терма жамоалардан ўзиб кетишди.

— Ўзбекистон самбо федерацияси раҳбари Фазлиддин Пулатов бошчилигида жаҳон чемпионатида яхши тайёргарлик кўрилганини таъкидлаш жоиздир, — дейди АҚШ самбо федерацияси президенти Давид Рудман. — Мен ўзбекистонлик ёш самбочиларнинг чиққиларини диққат билан кузатиб бордим. Ва



ёшлардан саналган 16-20 ёшдаги ўсмирлар ва қизлар галаба учун кураш олиб боришди.

Қатнашчиларнинг катта маҳоратидан ишқибозлар мазза қилиб баҳраманд бўлишди. Айниқса, Россия, Грузия, Украина, Белоруссия, Қозоғистон, Мўғулистон самбочилари ўз тенгдошлариданда маҳор

юртингизда қўллаб ёш, умидли спортчилар етишиб чиқаётганлигини гувоҳи бўлдим. Келгусида самбочиларингизга йирик нуфузли турнирларда омад ёр бўлишига тилакдошман.

Қуйда айрим вазн тоифаларида спортчиларимиз кўрсатган натижалар хусусида тўхталиб ўтамиз.



Қизлар ўртасида энг энгил вазн тоифаларидан бири бўлиш 44 килограммга вазнда финалда Россия Федерацияси вакили Наталья Макарова ҳамда ўзбекистонлик Муҳаббат Йулдошевлар ўзаро рубару келишди. Ушбу баҳсда россиялик спортчининг қўли банд келгани ҳолда зафар қўчди. Учинчи ўрин Украина ва Қозоғистон вакилларига насиб этди.

48 килограммга вазнда учинчи ўринни яна бир ҳамюртимиз Румиля Шайхутдинова банд этди. 60 килограммга ҳамда 81 килограммдан юқори вазнларда ҳам юртдошларимиз Гулмира Жалолова ва Машкура Мавлоновалар бронза нишонларининг соҳиблари бўлишди.

Ўсмирлар ўртасида ўтказилган беллашуларда юримиз самбочилари янада муваффақиятли иштирок этишди.

Жумладан, 51 килограммга вазнда Умид Ҳамидов, 68 килограм-

миллар ўртасида Дамир Муҳидов, 81 килограммга вазнда Исрол Юнусов ва 90 килограммга вазнда булган вазн тоифасида Зариф Раҳимовлар олтин нишонларни қўлга киритишди. 100 килограммдан ортиқ курашчилар баҳсида эса яна бир ўзбекистонлик самбочи Одил Тулендибоев иккинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди. 65 килограммлар ўртасида Бахтиёр Юсупов ҳам иккинчи бўлибди.

Қолиб ва совриндорларга кубоклар ва медаллар топширилди. Умумжамоа ҳисобида Ўзбекистон самбочилари биринчи ўринни эгаллашди. Россияликлар иккинчи, Грузия курашчилари эса учинчи бўлишди.

(Ўз мухбиримиз) **СУРАТЛАРДА:** жаҳон чемпионати қизгин беллашувларидан лавҳа; мукофотлар соҳибларини кутмоқда.

Алексей Попов олган суратлар

«Қамолот»

ЁШЛАР ГИЁВАНДЛИКНИ
ҚОРАЛАЙДИ

Касалликни даволашдан кўра, унинг олдини олган афзалроқ дейишди. Албатта, киши саломатлигини йўқотгач, унинг ўрнини ҳеч нарса билан тўлдириб бўлмаслиги ҳаммамизга аён. Касалликлар орасида энг ёмони гиёвандлик дардига чалиниши. Инсон танасини кун сайин емириб, охири уни ҳалокат жарига етакловчи аср вабоси бутун дунё муаммосига айланиб улгурди.

Юртимизда ҳам ёшларни гиёвандликка чалинишдан сақлаш борасида қўллаб ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса мамлакатимиз ёшлари ташаббуси билан ўтказиладиган гиёвандликка қарши курашиш тадбирлари диққатга сазовордир. «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Яккасарой тумани бўлими кенгаши «Маънавият ва маърифат» маркази Яккасарой тумани бўлими ҳамда JICA World Vision гиёвандликка қарши кураш ташкилоти билан ҳамкорликда ўтказилган семинар-тренинг «Гиёвандлик — келажак қушандаси» деб номланди.

Яккасарой туманида жойлашган олий ва ўрта махсус ўқув юртилари ҳамда қорхона ташкилотлардан вакиллар иштирок этган ушбу семинарда кўргазмалар, видео сюжетлар орқали гиёвандликка дучор бўлганларнинг аянчли тақдири, уларда кечадиган касаллик ҳолатлари, шу йўлга адашиб кириб, энди афсус чекаётганлар ҳолати рўй-рост кўрсатиб берилди.

— Албатта, видео сюжетда кўрсатиб ўтилган ярим соатлик воқеа барчамизга саломатликнинг қадрига етиш зарурлигини, гиёвандликдек жирканч йўлга қадам қўйиш қандай оқибатларни келтириб чиқариши, иложи борица

спортта ошно бўлиш, бўш вақтларда фойдаланиш ишлар билан шуғулланиш кераклиги жонли лавҳалар орқали биз ёшларга ўқитилди, — дейди Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институти талабаси Шомақсуд Бобоев.

Семинар-тренингда барча иштирокчилар бир мақсад сари бирлашиб, ёрқин келажакка путур етказувчи — гиёвандлик отлик иллатга қарши эканликлари, дунё муаммосига айланган аср вабосини енгиш ёшларимизнинг ўз қўлларида эканлигини ва бу йўлда толмай ҳаракат қилишлари зарурлигини алоҳида таъкидлаб ўтишди.

— Уюштирилган ушбу семинар-тренингда иштирок этган барча етакчилар, фаол ёшлар эндиликда ўз олий ўқув юрти, мактабларига бориб «Гиёвандликка қарши курашиш» тарғиботини янада кучайтириш кераклиги ва бу йўлда ёшлар сафини кенгайтириб соғлом келажак барпо этажанини яхши англаб етишди — дейди «Қамолот» ЁИХ Яккасарой тумани бўлими Кенгаши раиси Мурод Атамуродов. — Ёшларимизни бундай мақсадлар атрофида бирлаштириш, уларга тўғри йўл-йўриқлар кўрсатиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Лазиз ХОЖИЕВ

Қақша

Машҳур расмолар Макс Либерманн бир савдогарнинг портретини чизмоқчи бўлди. Савдогар бўлса расмолга ҳалақат бериб, ҳадеб санъат ҳақида бўлар бўлмас сўзларни лақиллай бошлади.

Либерманн унинг сўзларини бир оз тинглаб турди-да, охири тоқати-тоқ бўлиб:

— Бир оз тўхтасангизчи, ахир! Бўлмаса ҳозир ҳақиқий башарангизни чизиб қўяман! — деди.

Жек Лондон журналга ваъда қилган ҳикоясини ўз вақтида топшира олмади. Ҳикояни ундиришга тоза уринган муҳаррир охири Жек Лондон истиқомат қиладиган меҳмонхонага келиб, унга қуйидаги мазмунда мактуб қолдирди: «Хурматли Жек Лондон! Агар мен йигирма тўрт соат мобайнида ҳикояни олмасам, сизни юқори қаватдан паства тепиб юбораман». Хатни олиб, Жек Лондон унга шундай жавоб қайтарди: «Қадри Дик! Агар мен сизга ўхшаб ҳамма ишни оёқда бажарганимда, албатта ўз сўзимнинг устидан чиққан бўлардим».



Буйруқбоз кўпайса...

Абдурасул Ҳақимов чизган расм.

Муассис:
Тошкент шаҳар
ҳокимлигиБош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВМанзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;

ёшларлар:

133-28-95, 136-57-65;

факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма, таъриф, офсет
усулида босилади.

2764 нускада босилади. Қозғоқ биринчи А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кўнлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563Нашрига етакчи бериш масалалари бўйича турар
жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтаменти»га
— 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер
марказида терилди ва сақланган.«Шарқ» нашрийт-матбос акциядорлик компанияси
босмахонаси. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.